

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
MILLIY GWARDIYASI
ХАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

**ГУМАНИТАР ВА ИЖТИМОЙ ФАНЛАР
КАФЕДРАСИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЁТИ ВА
МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ДУНЁ ТАЛҚИНИДА
халқаро илмий-амалий конференцияси тўплами
2021 йил 12 феврал**

II-ҚИСМ

**ИЗУЧЕНИЕ ЖИЗНИ И НАСЛЕДИЯ ЗАХИРИДДИНА
МУҲАММАДА БАБУРА В МИРОВОЙ
ИНТЕРПРЕТАЦИИ**

**сборник международной научно-практической
конференции**

12 февраля 2021 года

ЧАСТЬ II

**STUDYING THE LIFE AND LEGACY OF ZAHIRIDDIN
MUHAMMAD BABUR IN THE WORLD
INTERPRETATION**


book of international scientific-practical conference

February 12, 2021

PART II

Тошкент – 2021

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MILLIY GWARDIYASI
ХАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ



ГУМАНИТАР ВА ИЖТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҲАЁТИ ВА МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ
ДУНЁ ТАЛҚИНИДА

ҳалқаро илмий-амалий конференцияси тўплами

2021 йил 12 феврал

II-ҚИСМ

ИЗУЧЕНИЕ ЖИЗНИ И НАСЛЕДИЯ ЗАХИРИДДИНА МУХАММАДА БАБУРА В
МИРОВОЙ ИНТЕРПРЕТАЦИИ

сборник международной научно-практической конференции

12 февраля 2021 года

ЧАСТЬ II

STUDYING THE LIFE AND LEGACY OF ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BABUR IN
THE WORLD INTERPRETATION

book of international scientific-practical conference

February 12, 2021

PART II

Тошкент – 2021

Захириддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва меросини ўрганиш дунё талқинида //
Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами – Т.: Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2021 – 446 б

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган (2021 йил _____ - сонли баённома).

Масъул муҳаррир: **Р.А.Сайфулов** – Миллий гвардия Марказий девони
режалаштириш, мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик бўлими
бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),

Таҳрир хайъати: **Ғ.Р.Мирзаев** - Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти
катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.С.Расулова– Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти
доценти, тарих фанлари номзоди, доцент

Х.Д.Хакназаров – Миллий гвардия Ҳарбий-техник
институти доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Й.А.Худойкулов – Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Ҳарбий-техник институти доценти, фалсафа фанлари
номзоди, доцент

А.У.Ҳайдаров – Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти
катта ўқитувчиси

А.А.Сатторов - Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти
ўқитувчиси

Тақризчилар: **А.Мадраимов** – Темурийлар тарихи давлат музейи бўлим
бошлиғи, тарих фанлари доктори.

С.Б.Тилабоев – Низомий номидаги ТДПУ «Тарих ва уни
ўқитиш методикаси» кафедраси мудир, тарих фанлари номзоди.

Мазкур тўпламга Захириддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва фаолияти, ҳарбий маҳоратини
ўрганиш ва кенг миқёсда тарғиб этиш, илмий ва маънавий мероси, хусусан, “Бобурнома” ва
бошқа асарларининг дунё миқёсида ўрганилиши, бобуршуносик йўналишидаги тадқиқотлар,
таржимашунослик, Бобур меросининг XXI аср фани ва маданиятига қўшаётган ҳиссасига
бағишланган мақолалар киритилган. Мақолалардаги маълумотлар асосли эканлигига
муаллифлар жавобгардирлар.

© Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2021.

МУНДАРИЖА

IV-ШҶҒБА. ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ “БОБУРНОМА” ВА БОШҚА АСАРЛАРИ ДУНЁ ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА

Мадраимов А. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида Фарғона воқеалари тавсифи ва уларнинг нафис мўъжаз расмлардаги тасвири	4
Mamatov M.A. Zahiriddin Muhammad Bobur asarlarida milliy – etnik bag‘rikenglik masalalari	10
Аслонов И.Н. «Бобурнома»да Умаршайх Мирзо ва унинг амирлари шахсининг психологик тавсифи	13
Идиев А.А. Бобурнома асарида этник ва ва этномаданий жараёнларнинг ёритилиши	15
Rashidova M.X., Namozova D.B. Boburology abroad	18
Ғайбуллоева М.А. “Бобурнома” - да Ўрта Осиё халқлари тарихига оид нодир манба	20
Шарахметова М.А. Захириддин Муҳаммад Бобур услубига хос жиҳатларнинг урдуча таржимада берилиши	23
Хайдаров З.А. “Бобурнома”нинг тарихий – манбавий қиймати	27
Хидирова Г.Р. «Бобурнома»даги Пишоғар топоними	30
Ҳайдаров С.А. Ёшларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашда “Бобурнома” асарига ишланган миниатюраларнинг аҳамияти	33
Эргашева Д.К. “Бабуr-наме”- бесценный литературный памятник прозы на узбекском языке	37
Нарзиева М. С. «Бобурнома» асарининг бугунги кундаги аҳамияти	40
Madrahimov Z. Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma”asari” da Amir Temur siy mosi	42
Джураев Х.Х. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Хатти Бобурий”си тарихи	45
Жайнаров О.Х., Муҳаммадиев Р.Р. «Бобурнома» асарида адлия масалаларининг ёритилиши	50
Холиқов А.А. “Бобурнома” – тарихий, мазмунан ранг-баранг, тил ва услуби гўзал асар	52
Иминова Д. «Бобурнома» нинг ўзга тилларга таржималари хусусида	55
Xurramov A.I., Ilhomov J.I. Ilm-fan rivojida «Boburnoma» asarining dolzarbligi va tarbiyaviy ahamiyati	58
Karimov A. “Boburnoma” – dunyo olimlari nigohida	61
Mamasidiqov F. “Boburnoma” haqida qisqacha mulohazalar	63
Sharopov A.M. “Boburnoma” asarini tarixiy va badiiy jihatdan o‘rganish	65
Qobilova G.Sh. “Boburnoma” - buyuk qomusiy asar	67
Karimov U., Karimova G. The significance of the spiritual heritage of baburids in the upbringing of youth in patriotism	70
Xolmatov O.U. “Boburnoma”da urush epizodlari tasvirining g‘oyaviy-badiiy xususiyatlari	72
Abdullayeva M.I. “Boburnoma” dunyo olimlari nazdidagi qomusiy asar	75
Oripova M.Q. «Boburnoma»-o‘zbek mumtoz adabiyotining nodir yodnomasi	78
Hojiyeva N.H. Boburnoma asarida meva nomlari bilan bog‘liq qarashlar	81
Султонова Н.Ш.	

hududidagi siyosati va ijodi uning turkiy-musulmonlar tsivilizatsiyasining shakllanishiga qo'shgan bebaho hissasini ta'kidlash mumkin;

Bobur imperiyasining ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy rivojlanish asoslaridan biri bo'lgan siyosatining o'ziga xosligi ushbu siyosatda amalga oshirilgan milliy etnik xoslik bag'rikenglik, insonparvarlik tamoyillarida va uni amakga oshirish uning avlodlari tomonidan davom ettirilganligida edi [9, 315].

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. <https://www.uzavtoyul.uz/cy/post/prezidentimiz-shavkat-mirziyoyev-andijon-viloyatiga-keldi.html>
2. Бобир. Танланган асар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
3. Бабур, Захириддин Мухаммад. Махрами асрор топмадим – Тошкент: Ёзувчи, 1993.
4. Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989.
5. Гулямова Г. С. Роль ислама в XV–XVI вв. Мавераннахре и Хорасане. // Россия и мусульманский мир. –2019. – №1. – С. 107-119.
6. Неру Джавахарлал. Открытие Индии. – М. : ИЛ, 1955.
7. Хасанов, С. З. М. Бабур. – O'zbekiston NMIU, 2011.
8. Шоҳ ва шоир Захириддин Мухаммад Бобур. – Тошкент: Шарқ, 1996.
9. Махаматов Т. М., Маматов М. А. Вопросы национально-этической идентичности и толерантности в политике и творчестве Захириддина Бабура. Сборник статей и тезисов докладов Международной научно-практической конференции на тему «Интеллектуальное наследие Захириддина Мухаммада Бабура и современность» – М.: -2020.

«БОБУРНОМА»ДА УМАРШАЙХ МИРЗО ВА УНИНГ АМИРЛАРИ ШАХСИНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАВСИФИ

Аслонов И.Н.

*Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
доценти, психология фанлари номзоди*

Буюк шоҳ ва шоир, улуғ саркарда Захириддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва ижоди асрлар давомида дунё олимларининг диққат эътиборини тортиб келмоқда. Шарқ мумтоз ўрта аср араб-мусулмон мутафаккирлари орасида жаҳон шарқшунослигида энг эрта ўрганила бошлаган, маълум ва машхур бўлган Бобур даражасида шухрат топган шахсият жуда кам топилади. Унинг мумтоз шоир сифатидаги меъросини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, унга жаҳоний шухрат келтирган асар “Вақоъе” (Воқеъалар), кейинчалик “Бобурнома” номи билан машхур асарининг кўплаб жаҳон тилларига қилинган таржималаридир. «Бобурнома» асари мемуар жанрининг мукамал намунаси, тарихий-бадиий манба ҳисобланади. Шунингдек, асар турли тилларда адабиётшунослар, тарихчилар, тилшунослар, санъатшунослар, этнографлар, ҳайвонот ва наботот соҳаси вакилларининг тадқиқот манбасига айланган.

«Бобурнома» да Захириддин Мухаммад Бобурнинг ҳаёти билан боғлиқ ҳолда XV асрнинг сўнги XVI асрнинг биринчи чорагида Мовороуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда кечган тарихий-ижтимоий ҳодисалар, шунингдек, ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида кўзга кўринган шахслар, уларнинг характери, эътиқоди, маънавий олами,

улар руҳиятида кечган мураккаб ҳолатлар, психологик жараёнлар бадиий-психологик жиҳатидан бетакрор тарзда тасвирланади.

«Бобурнома» асарида 1551 киши номи тилга олинган. Улар ичида жуда кўп тарихий шахслар (Темурий хукмдорлар, ҳарбий амалдорлар. Илм-фан ва санъат намояндалари)нинг шоир машоирлари (портретлари) ва руҳиятлари моҳирона чизилган, уларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолиятлари баёни орқали шахсий хусусиятлари (характерлари) очиб берилган. Тарихий шахсларнинг қиёфалари ва фазилатларини ёритганда, Бобур уларга нисбатан ҳаққоний муносабатда бўлишга, уларнинг яшаш тарзи ва шароитидан келиб чиқиб, феъл-атворларининг энг муҳим жиҳатларини мумкин қадар аниқ ва ихчам ибораларда, лўнда ифодалашга ҳаракат қилган.

«Бобурнома»даги тарихий шахслар ҳақидаги дастлабки маълумотлар (ҳижрий 899 йил воқеалари), яъни Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо ва унинг атрофидаги амирларга берилган тавсифлар доирасида олиб борилган психологик таҳлиллар орқали шу нарса маълум бўлади-ки, кишиларнинг характер хусусиятлари ҳамда ахлоқий психологик сифатлари асар матнида тарихий маълумотларни тўлдирибгина қолмай асарнинг қиммати ва жозибасини оширади.

«Бобурнома»да муаллиф шахслар характер хусусиятларидаги ижобий сифатлар билан бир қаторда салбий сифатларни ҳам рўй-рост баён этади.

Масалан: Умаршайх Мирзонинг феъл-атвори ҳақида гапириб, "...хушхулқ, ҳазилкаш, гапга чечан ва ширинсўз киши эди. Шижоатли ва мардона киши эди", деган ижобий сифатлар ҳақида гапириб, бошқа ўринда: "Киймоқ ва емоқда бетакаллуф эди" ёки "юрт олиш дағдағаси туфайли анча ярашлар урушга ва дўстликлар душманликка айланарди" – дейди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзи юксак эътиқодли инсон бўлганлиги туфайли кишилар хулқида баҳо беришда энг аввало уларга эътиқоди, тақводорлиги, ислом аҳкомларини қай даражада адо этишига қараб ё ижобий ё салбий баҳо беради ва бу борадаги ўзининг кескин қарашларини намоён этади.

Умаршайх Мирзо ҳақида: "ҳанафий маҳзабида. Покиза эътиқодли киши эди. Беш вақт намозни қанда қилмасди. Умрий намоз қазоларини бутунлай тамомлаган эди", Қосимбек қавчин ҳақида: "мусулмон ва диёнатли, тақводор киши эди" – деган жумлаларда Бобурнинг мазкур шахсларга нисбатан фахр ва ҳурмат туйғулари сезилса, Умаршайх Мирзонинг амирларидан бири Бобоқули Бобо Алибек ҳақида айтган: "Бенамоз эди, рўза тутмасди. Золим ва кофиртабиат киши эди"[1] деган сўзларида бундай шахсларга нисбатан салбий ҳис-туйғулари сезилади.

Шу қисқа парчада Бобур Умаршайх Мирзо ва унинг 12 нафар амирлари ҳақида тарихий маълумотлар билан бирга қаторда уларга психологик характеристикалар беради. Қуйида биз, тарихий шахсларга берилган ижобий ва салбий психологик сифатларни таққослашга ҳаракат қилдик:

Тарихий шахсларнинг исми шарифи	Ижобий психологик сифатлар	Салбий психологик сифатлар
Умаршайх Мирзо	8	2
Амирлари		
Худойберди Темиртош	2	0
Ҳофиз Муҳаммад	2	1
Ҳожа Хусайинбек	2	0

	Шайх Мазидбек	2	1
	Али Мазидбек қавчин	0	4
	Ҳасан Якуббек	4	3
	Қосимбек қавчин	4	0
	Бобоқули Бобо Алибек	1	4
	Алидўст тағойи	0	8
0	Вайс Лоғарий	0	1
1	Али Дарвеш	2	2
2	Қамбарали мўғул	0	4
	Жами	27	30

Юқоридаги жадвалдан аниқ бўлади-ки, Бобур ўз асарида ҳаққонийликка. Кишиларга баҳо беришда адолатли ва холис бўлишга ҳаракат қилганлиги кўринади. Яна шуни ҳам таъкидлаш керак-ки, одамлардаги тилга олинган салбий сифатларнинг нисбатан кўплиги Бобур характеридаги атрофдагиларга ҳамда ўзига нисбатан ўта талабчанлик хислатини намоён этади.

«Бобурнома»даги ушбу қисмидаги шахсларга берилган психологик тавсифларни тадқиқ этарканмиз, муаллиф кишилардаги *сахийлик, олийжаноблик фақирлик ва одмиллик, золимлик, бахиллик, мунофиқлик, фитнакорлик ва хасислик* каби ахлоқий психологик сифатларга энг кўп эътибор қаратганлигини кўрамиз. Бобур кейинги ўринда *мардлик, шижоатлилик, гайратлилик, интизомлилик ёки ҳафсаласизлик феъли торлик* каби иродавий сифатларга мурожаат қилади. Навбатдаги ўринда муомала ва мулоқотчанлик сифатлари унинг эътиборини тортиб, у кишилардаги *хушмуомалалик, гапга чечанлик, ҳазил – мутобага мойиллик, камгаплик ёки сергаплик, хушомадга мойиллик, “қаттиқсўзлик”* каби сифатларни қайд этади.

«Бобурнома»нинг юқоридаги кичик парчаси асосида шундай хулосага келиш мумкинки, асар матнини психологик таҳлили орқали нафақат ундаги психологик маълумотлар аҳамиятини, балки Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсининг янги қирраларини очилишига имкон яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома/ ўрта ёшдаги мактаб болалари учун/ нашрга тайёрловчи П. Шамсиев; муҳаррир А. Ўқтам/ - Т: Юлдузча. 1989. – 368 б.
2. Bobur Zahiriddin Muhammad. Boburnoma/Z. M. Bobur; O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi; Alisher Navoiy nomidagi adabiyot muzeyi; Xalqaro Bobur fondi. – Toshkent: “O‘qituvchi” NMIU, 2017. – 368 b.

БОБУРНОМА АСАРИДА ЭТНИК ВА ВА ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Идиев А.А.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти

Бугунги кунда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодининг ноёб намунаси бўлмиш “Бобурнома” асари маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан кенг миқёсда ўрганиб,